

2/2023,
Mart-aprel
(№ 00064)



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ

Самадов Асқаржон Нишонович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Маркетинг” кафедраси
профессори, и.ф.н. Тошкент, Ўзбекистон. a.samadov@tsue.uz*

ORCID: 0000-0003-2288-0566

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i24

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан шуғулланган хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий-тадқиқот ишлари ўрганилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган. Таҳлил натижалари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ҳамда уларда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг 2001-2022 йиллардаги ўсиш динамикаси ва 2023-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, экспорт, экспорт ҳажми, экспорт салоҳияти, товарлар ва хизматлар, ялпи ички маҳсулот, божхона божи, солиқ имтиёзлари, имтиёзли банк кредитлари, валюта курси, эконометрик тадқиқотлар, прогноз кўрсаткичлари.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ И ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Самадов Асқаржон Нишонович

Профессор кафедры «Маркетинг» Ташкентского государственного экономического университета, к.э.н. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В данной статье изучена научно-исследовательская работа зарубежных и отечественных ученых, занимающаяся вопросами развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан и повышения экспортного потенциала. Проведен эконометрический анализ факторов, влияющих на повышение экспортного потенциала субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. По результатам анализа разработаны динамика роста развития субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства и объемов экспорта произведенных в них товаров и услуг за 2001-2022 годы и прогнозные показатели на 2023-2025 годы.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, экспорт, объем экспорта, экспортный потенциал, товары и услуги, валовой внутренний продукт, таможенная пошлина, налоговые льготы, льготные банковские кредиты, валютный курс, эконометрические исследования, прогнозные показатели, прогнозные показатели.

ECONOMETRIC MODELING AND FORECASTING OF THE EXPORT POTENTIAL OF SMALL BUSINESSES AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP

Samadov Askarjon Nishonovich

PhD., Professor of the Department of Marketing, Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

Annotation

This article examines the research work of foreign and domestic scientists dealing with the development of small businesses and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan and increasing the export potential. An econometric analysis of the factors influencing the increase in the export potential of small businesses and private entrepreneurship has been carried out. Based on the results of the analysis, the dynamics of growth of the development of small businesses and private enterprises and the volume of exports of goods and services produced in them for 2001-2022 and forecast indicators for 2023-2025 were developed.

Key words: small business, private entrepreneurship, export, export volume, export potential, goods and services, gross domestic product, customs duty, tax incentives, concessional bank loans, exchange rate, econometric studies, forecast indicators.

Кириш

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодий сиёсатнинг стратегик вазифаси сифатида жадал суръатларда ривожлантирилмоқда. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотнинг 55-67 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 52-55 фоизни, Японияда 52-57 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни ташкил этади. Фарбий Европа мамлакатларида хусусий секторда фаолият юритаётган 17,1 млн. корхонанинг 90,9 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига умумий саноат ҳажмининг 50 фоизи, хизматлар соҳасининг 67 фоизи, қурилиш ва савдонинг деярли 90 фоизи тўғри келмоқда. Бироқ жаҳондаги ривожланган мамлакатлар экспортининг қарийб 30-40 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич АҚШда 30 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 27 фоизни, Японияда 15 фоизни ташкил этади [1]. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, шунингдек Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини янада ошириш устувор аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва экспорт салоҳиятини оширишнинг назарий масалалари хорижий мамлакатларнинг қатор олимлари, жумладан Д.А.Плетнев, Е.В.Никлаев, А.Кампа [2], А.П.Вершинин [3]нинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган. Уларнинг асарларида Россия Федерациясида тадбиркорлик субъектларини кичик ва ўрта бизнес секторига киритиш мезонлари қиёсий таҳлил қилинган. Мазкур мезонларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

О.Зилберштейн тадқиқотида [4] Россия Федерациясида кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги ва экспортидаги ўрни, тармоқлар бўйича таркиби, даромад ўсишига таъсири таҳлил қилинган.

Б.Титов [5] ўз тадқиқотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг йирик ЯИМдаги улуши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат

экспорт салоҳиятини оширишдаги роли батафсил кўрсатиб берилган. Шунинингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инновацион ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган, Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг турлари, уларга корхоналарни киритиш мезонлари таҳлил қилинган.

Ю.А.Савинов ва А.Ю.Мигунов экспорт салоҳиятининг энг муваффақиятли талқинини таклиф этади: “экспорт салоҳияти бу – миллий иқтисодиёт, унинг соҳалари, тармоқлари, корхоналар ва компанияларнинг қиёсий миллий устунликлардан (кенг кўламли табиий ресурслар, қулай географик, инфратузилмавий ва бошқа омиллар, юқори меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) ҳамда илм-фан ютуқлари ва фан-техника тараққиётига асосланган янги рақобатли устунликлардан фойдаланиш йўли билан жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш қобилиятидир” [6].

И.А.Русакوف “корхонанинг экспорт салоҳиятини корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий имкониятларига асосланган, ўз маҳсулотларини чет элга сотиш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва халқаро саноат жараёнларида иштирок этиш қобилияти” [7] сифатида тушунади.

Ю.М.Токарев ва П.В.Маниннинг фикрига кўра, экспорт салоҳияти корхонанинг “экспорт учун рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқариш, уни ташқи бозорларда тарғиб қилиш, у ерда товарларни фойда билан сотиш ва керакли даражада хизмат кўрсатиш қобилияти” [8] сифатида таърифланади.

Ўзбекистонлик олимлардан академик С.С. Ғуломов [9] ва У.В.Ғофуровнинг [10] тадқиқотларида кичик бизнесни ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари кенг ўрганилган.

Бироқ, юқорида номлари қайд этилган олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишни эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Мазкур мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган. Таҳлил натижалари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ҳамда уларда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини оширишнинг 2025 йилгача бўлган даврдаги прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда мантиқий ва таркибий таҳлил, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш, эконометрик моделлаштириш ҳамда прогнозлаш усулларида фойдаланилган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар шакли ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланиш эконометрик таҳлил қилинган ҳамда таҳлил натижалари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорт ҳажмининг 2025 йилгача бўлган даврдаги прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда мамлакатимизда экспорт қилинаётган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспорт таркибида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар салмоғини ошириш, ривожланган мамлакатларга

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш тобора улкан аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу муносабат билан республикамиздан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини шакллантиришда омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш, қисқа ҳамда узоқ муддатли даврларда уларнинг прогнозлаш учун кўп омилли эконометрик моделларини тузиш муҳим аҳамиятга эга. Кўп омилли эконометрик модель натижавий омилга бир қатор омиллар таъсирини ўрганишга ёрдам беради.

Тадқиқот мақсадларидан келиб чиққан ҳолда кўп омилли эконометрик моделга қўйидаги омиллар танлаб олинди: натижавий омил сифатида – кичик бизнес субъектларининг товар ва хизматлар экспорти ҳажми, млрд. АҚШ доллари (EXP), таъсир этувчи омиллар эса – Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми, млрд. АҚШ доллари (GDP), экспорт квоталари, млрд. АҚШ доллари (EXQUO), валюта курси, сўм/АҚШ доллари (EXRATE).

Кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган маълумотларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлгани учун, уларни логарифмлаймиз ва омиллар бўйича тавсифий статистика ўтказамиз (*lnEXP* - Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар экспорти ҳажми, *lnGDP* - Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми, *lnEXQUO* - экспорт квоталари, *lnEXRATE* - валюта курси). Бунинг сабаби шундаки, барча омиллар бўйича тақсимотлар нормал тақсимотга бўйсунмиш лозим. Агар нормал тақсимотга бўйсунмаса, у ҳолда эгри чизиқли (парабола, гиперболо, логарифмик ва бошқалар) эконометрик моделларга мурожаат қилишга тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар экспорти ҳажми асосида танланган омиллар бўйича ўтказилган тавсифий статистика натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича тавсифий статистика


| | <i>lnEXP</i> | <i>lnGDP</i> | <i>lnEXQUO</i> | <i>lnEXRATE</i> |
|---|--------------|--------------|----------------|-----------------|
| Mean (ўртача) | 1.786041 | 3.433661 | 2.974784 | 7.584236 |
| Median (медиана) | 1.897296 | 3.754640 | 2.995420 | 7.408953 |
| Maximum (максимум) | 2.346793 | 4.210645 | 3.462606 | 9.185211 |
| Minimum (минимум) | 0.843720 | 2.230014 | 2.261763 | 6.063808 |
| Std. Dev. (стандарт четланиш) | 0.473184 | 0.705756 | 0.371547 | 0.832880 |
| Skewness (асимметрия) | -0.887209 | -0.595877 | -0.387367 | 0.547689 |
| Kurtosis (экссесс) | 2.616664 | 1.794084 | 1.920578 | 2.683251 |
| Jarque-Bera (Жак-Бера) | 2.746252 | 2.395428 | 1.471138 | 1.083485 |
| Probability (эҳтимоллик) | 0.253314 | 0.301884 | 0.479233 | 0.581734 |
| Sum (йиғинди) | 35.72082 | 68.67322 | 59.49567 | 151.6847 |
| SumSq. Dev. (стандарт четланиш йиғиндиси) | 4.254156 | 9.463748 | 2.622892 | 13.18010 |
| Observations (кузатувлар) | 20 | 20 | 20 | 20 |

Манба: Муаллиф ишланмаси

1-жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum)ни кўриш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) - стандарт четланиш коэффиценти ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилган.

Skewness – асимметрия коэффиценти бўлиб, у нолга тенг бўлса нормал тақсимот эканлиги ҳамда тақсимотнинг симметриклигини билдиради. Агар бу коэффицент 0 дан анча фарқ қилса, у ҳолда тақсимот асимметрик ҳисобланади (яъни, симметрик эмас). Агар асимметрия коэффиценти 0 дан катта, яъни мусбат бўлса, у ҳолда ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги ўнг томонга сурилган бўлади. 0 дан кичик, яъни манфий бўлса, у ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги чап томонга сурилган бўлади. Барча омилларнинг нормал тақсимот функциялари графиклари қуйидаги 1-расмда келтирилган.

1-расмдан шуни кўриш мумкинки, деярли барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан. Айрим омилларнинг (*lnEXP*, *lnEXRATE*) эксцесс коэффиценти 3 га яқин бўлгани учун нормал тақсимотнинг назарий графигидан учқирроқ бўлган.




1-расм. Омилларнинг нормал тақсимот функциялари графиклари

Манба: Муаллиф ишланмаси

lnEXP, *lnGDP* ва *lnEXQUO* омилларнинг эксцесс қийматлари манфий бўлганлиги сабабли, уларнинг графикларидаги “чап дўми” “ўнг дўми” дан узунроқ бўлиб, тақсимот функцияси графиги ўнг томонга силжиганини кўриш мумкин. Фақат *lnEXRATE* омилининг эксцесс коэффиценти қиймати мусбат бўлгани учун уларнинг графикларидаги “ўнг дўми” “чап дўми” дан узунроқ бўлиб, тақсимот функцияси графиги чап томонга силжиганлигини кўриш мумкин.

Ушбу сурилишлар асосан ўрганилаётган омилларни динамикасидаги ўзгаришларни кўрсатади. Айрим йилларда баъзи омиллар кескин ортишига эга бўлган бўлса, айримларида ўзгаришлар сезиларли даражада бўлмаган. Умуман олганда ўрганилаётган барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан. Натижавий омилнинг нормал тақсимот графиги қуйидаги 2-расмда келтирилган.



2-расм. Нативавий омилни нормал тақсимот қонунига бўйсунганини текшириш

Манба: Муаллиф ишланмаси

Нативавий омилни ($\ln EXP$) нормал тақсимот қонунига бўйсунганини текшириш учун Жак-Бера мезонидан фойдаланилади. Мазкур мезон статистик мезон бўлиб, кузатувлар хатоларини нормал тақсимот моментлари билан учинчи момент (асимметрия) ва тўртинчи моментини (экссесс) нормал тақсимотга текширади ва $S = 0$ ва $K = 3$.

2-расмдан шунини аниқ қўриш мумкинки, нативавий омил нормал тақсимотга бўйсунар экан. Бу ҳисобланган параметрлар ва мезонлар томонидан тасдиқланмоқда, яъни Жак-Бера ҳисобланган коэффициенти 36,83 га тенг ва унинг эҳтимоллиги (probability) 0,05 дан кичик (prob=0.0000).

2-жадвал

Омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси

Covariance Analysis: Ordinary
Date: 10/03/21 Time: 23:17
Sample: 2001 2020
Included observations: 20

| | $\ln EXP$ | $\ln GDP$ | $\ln EXQUO$ | $\ln EXRATE$ |
|--------------|-----------|-----------|-------------|--------------|
| $\ln EXP$ | 1.000000 | | | |
| | ----- | | | |
| | ----- | | | |
| $\ln GDP$ | 0.883364 | 1.000000 | | |
| | 7.996345 | | | |
| | 0.0000 | | | |
| $\ln EXQUO$ | -0.349603 | -0.141226 | 1.000000 | |
| | -1.583141 | -0.984884 | | |
| | 0.1308 | 0.0702 | | |
| $\ln EXRATE$ | 0.822744 | 0.354404 | -0.296656 | 1.000000 |
| | 6.140987 | 1.876007 | -1.317933 | |
| | 0.0000 | 0.0841 | 0.2041 | |

Манба: Муаллиф ишланмаси

Ушбу 2-жадвалдан кўриш мумкинки, хусусий корреляция коэффицентлари - бу натижавий омил (*lnEXP*) ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишлар зичлигини кўрсатади. Демак, хусусий корреляция коэффицентлари натижавий омил Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт ҳажми (*lnEXP*) ва таъсир этувчи омиллар ўртасида турли хил боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Демак, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми (*lnEXP*) ва Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми (*lnGDP*) ўртасида боғланиш зичлиги 0,8834 га тенг. Бу эса республикамизда товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ва республикамизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини кўрсатади. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми (*lnEXP*) билан экспорт квоталари (*lnEXQUO*) ўртасида тескари суст алоқа мавжуд экан, яъни улар ўртасидаги хусусий корреляция коэффицентининг қиймати -0,3496 тенг экан. Кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми (*lnEXP*) ва валюта курслари (*lnEXRATE*) ўртасида кучли алоқа мавжуд. Ушбу омиллар ўртасида хусусий корреляция коэффицентини 0,8227 га тенг.

Юқорида омиллар ўртасида келтирилган боғланишлардан ташқари 2-жадвалда жуфт корреляция коэффицентлари ҳам мавжуд бўлиб, улар таъсир этувчи омиллар (*lnGDP*, *lnEXQUO*, *lnEXRATE*) ўртасида боғланиш зичликларини кўрсатади. Бу ерда энг муҳим ҳолат бўлиб, таъсир этувчи омиллар бир-бири билан зич боғланмаслиги керак. Яъни, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд бўлмаслиги лозим. Агар иккита таъсир этувчи омил ўртасида жуфт корреляция коэффицентини қиймати 0,7 дан катта бўлса, мультиколлинеарлик мавжуд дейилади. 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш зичликлари 0,7 дан катта эмас экан. Корреляцион матрицадаги жуфт корреляция коэффицентлари бўйича ҳулоса қиладиган бўлсак, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас.


Шунингдек, 2-жадвалда корреляция коэффицентларининг ишончлиги ва эҳтимоллигини аниқлаш бўйича коэффицентлар ҳисобланган (ҳисоблаган корреляция коэффицентларининг тагида жойлашган қаторлардаги қийматлар). Ҳар бир корреляция коэффицентининг пастки қисмида унинг Стьюдентнинг *t*-мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги келтирилган. Омиллар ўртасида ҳисобланган эҳтимоллик 0,05 дан катта бўлмаслик шартини қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми (*lnEXP*) ва Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (*lnGDP*) ўртасида хусусий корреляция коэффицентини $r_{lnEXP,lnGDP} = 0,8834$, $t = 7,99$ ва $prob. = 0,0000$ га тенг. Бу эса мазкур икки омил ўртасида зич боғланиш борлигини, хусусий корреляция коэффицентини ишончли эканлиги ва 95 фоиз аниқликда икки омил ўртасида мусбат боғланиш мавжудлигини кўрсатади.

Жуфт корреляция коэффицентлари бўйича, масалан, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (*lnGDP*) ва валюта курси (*lnEXRATE*) ўртасида жуфт корреляция коэффицентини $r_{lnGDP,lnEXRATE} = 0,3544$, $t = 1,876$ ва $prob. = 0,0841$ га тенг. Бу ушбу икки омил ўртасида суст боғланиш мавжудлигини ҳамда жуфт корреляция коэффицентини ишончли эмас эканлигини кўрсатади.

Юқорида айтилганларни текширишда ҳар бир омилнинг натижавий кўрсаткич (*lnEXP*) билан боғлиқлигини аниқлаш учун уларнинг нуқтали графикларини кўриб чиқамиз (3-расм).

3-расмдаги графикларда визуал кўринишда ҳам шуни айтиш мумкинки, натижавий омил (*lnEXP*) билан таъсир этувчи (*lnGDP*) ва (*lnEXRATE*) омиллар ўртасида тўғри боғланиш ва (*lnEXQUO*) омил билан тескари боғланиш мавжудлиги аниқланди.

Демак, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар экспорти ҳажми (*lnEXP*) бўйича кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган омиллар ўртасида корреляция коэффицентлари Стюдентнинг *t*-мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги бўйича қўйиладиган талабларга жавоб берад экан.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш шакллارининг кўриниши

Манба: Муаллиф ишланмаси

Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми (*lnEXP*) бўйича кўп омилли эконометрик моделга барча омиллар моделга киритамиз.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти бўйича таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмаслигини текширишнинг яна битта усули - бу VIF (Variance Inflation Factors - мультиколлинеарлик самарасини) коэффицентларини ҳисоблашдир. Ҳар бир омил бўйича ҳисобланган VIF коэффицентлари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик самарасини ўлчаш

Variance Inflation Factors

Date: 10/03/21 Time: 23:31

Sample: 2001 2020

Included observations: 20

| Variable | Coefficient Variance | Centered VIF |
|----------|----------------------|--------------|
| LNGDP | 0.002318 | 7.282859 |
| LNEXQUO | 0.003951 | 3.440811 |
| LNEXRATE | 0.000822 | 3.598200 |
| C | 0.052354 | NA |

Манба: Муаллиф ишланмаси

Агар таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд бўлса, у ҳолда Centered VIF>10 бўлади. 3-жадвалдан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг VIF коэффицентлари 10 дан кичик. Демак, бу ҳам омиллар ўртасидаги корреляция таҳлили каби таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Корреляцион таҳлил шуни кўрстадики, кўп омилли эконометрик модель учун танланган омилларнинг барчаси ишончли ва улар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас экан. Корреляция таҳлили натижаларидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича кўп омилли эконометрик модель тузамиз. Умумий ҳолда кўп омилли эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n + \varepsilon \quad (1)$$

бу ерда y – натижавий омил, x_i – таъсир этувчи омиллар, ε – тасодифий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (1) номаълум $a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$ параметрларини аниқлашда "энг кичик квадратлар усули" қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделнинг номаълум параметрларини ҳисоблашда EViews дастуридан фойдаланамиз. Ҳисоб-китоблар бўйича натижалар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель параметрлари

Dependent Variable: *lnEXP*
 Method: Least Squares
 Date: 10/03/21 Time: 23:42
 Sample: 2001 2020
 Included observations: 20

| Variable | Coefficient | Std. Error | t-Statistic | Prob. |
|--------------------|-------------|-----------------------|-------------|-----------|
| <i>lnGDP</i> | 0.990291 | 0.048143 | 20.56990 | 0.0000 |
| <i>lnEXQUO</i> | 0.919869 | 0.062857 | 14.63439 | 0.0000 |
| <i>lnEXRATE</i> | -0.043892 | 0.019974 | -2.19745 | 0.0454 |
| C | -4.017804 | 0.228810 | -17.55960 | 0.0000 |
| R-squared | 0.988673 | Mean dependent var | | 1.786041 |
| Adjusted R-squared | 0.986549 | S.D. dependent var | | 0.473184 |
| S.E. of regression | 0.054880 | Akaike info criterion | | -2.790492 |
| Sumsquaredresid | 0.048188 | Schwarz criterion | | -2.591345 |
| Loglikelihood | 31.90492 | Hannan-Quinn criter. | | -2.751616 |
| F-statistic | 465.5025 | Durbin-Watson stat | | 1.757025 |
| Prob(F-statistic) | 0.000000 | | | |

Манба: Муаллиф ишланмаси

4-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича кўп омилли эконометрик моделнинг аналитик кўринишини келтирамиз:

$$\ln EXP = -4,0178 + 0,9903 \ln GDP + 0,9198 \ln EXQUO - 0,0439 \ln EXRATE$$

[0,2288] [0,0481] [0,0628] [0,019974] (2)

бу ерда квадрат қавслар ичида ҳар бир омилнинг стандарт хатолиги қийматлари келтирилган.

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми ($\ln GDP$) ўртача бир фоизга ортса, Ўзбекистон Республикасида товар ва хизматлар экспорти ҳажми ($\ln EXP$) ўртача 0,9903 фоизга ортар экан. Кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспортига киритилаётган квоталар ($\ln EXQUO$) ўртача бир фоизга ортса, кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ($\ln EXP$) ўртача 0,9198 фоизга ортар экан. Лекин, республикамизда валюта курсининг ($\ln EXRATE$) бир фоизга ортиши, товар ва хизматлар экспорти ҳажмининг ($\ln EXP$) ўртача 0,0438 фоизга камайишига олиб келар экан.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ($\ln EXP$) бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (2) сифатини текшириш учун детерминация коэффицентини текширамиз. Детерминация коэффиценти натижавий омил неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Ҳисобланган детерминация коэффиценти (R^2 - R-squared) 0,9887 га тенг. Бу эса кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ($\ln EXP$) 98,87 фоизи (2) кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатмоқда. Қолган 1,13 фоизи (100,0-98,87) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсири эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти бўйича тузилган (2) кўп омилли эконометрик моделдаги омилларнинг стандарт хатоликларининг ҳам кичик қийматларни қабул қилганлиги ҳам моделнинг статистик аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг (2) статистик аҳамиятлигини ёки ўрганилаётган жараёнга адекватлигини (мос келишини) текширишда Фишернинг F -мезони қўлланилади. Фишернинг ҳисобланган F -мезони қиймати унинг жадвалдаги қиймати билан таққосланади. Агар $F_{\text{ҳисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ бўлса, у ҳолда кўп омилли эконометрик модель (2) статистик аҳамиятли дейилади ва ундан натижавий кўрсаткич – Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини ($\ln EXP$) келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича тузилган (2) кўп омилли эконометрик моделнинг статистик аҳамиятлигини текшириш учун F -мезоннинг жадвал қийматини топамиз. Бунинг учун озодлик даражалари $k_1 = m$ ва $k_2 = n - m - 1$ ҳамда α аҳамиятлик даражаси бўйича қийматларни ҳисоблаймиз. Аҳамиятлик даражаси $\alpha = 0,05$ ва озодлик даражалари $k_1 = 3$ ва $k_2 = 20 - 3 - 1 = 16$ дан келиб чиқиб, F -

мезоннинг жадвал қиймати $F_{\text{жадвал}} = 3,24$ га тенг. F -мезоннинг ҳисобланган қиймати $F_{\text{ҳисоб}} = 125,4058$ ва жадвал қиймати $F_{\text{жадвал}} = 5,19$ га тенг ва $F_{\text{ҳисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ шarti бажарилганлиги учун (2) кўп омилли эконометрик моделни статистик аҳамиятли дейиш мумкин ҳамда ундан кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини ($\ln EXP$) келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг (2) ҳисобланган параметрлари ишончилигини текширишда Стъудентнинг t -мезонидан фойдаланилади. Стъудентнинг t -мезонининг ҳисобланган ($t_{\text{ҳисоб}}$) ва жадвал ($t_{\text{жадвал}}$) қийматларини таққослаб, H_0 гипотезани қабул қиламиз ёки рад этамиз. Бунинг учун t -мезоннинг жадвал қийматини танланган ишончилик эҳтимоли (α) ва озодлик даражаси ($d.f. = n - m - 1$) шартлар асосида топамиз. Бу ерда n - кузатувлар сони, m - омиллар сони.

Ишончилик эҳтимоли $\alpha = 0,05$ ва озодлик даражаси $d.f. = 20 - 3 - 1 = 16$ бўлганда, t -мезоннинг жадвал қиймати $t_{\text{жадвал}} = 2,1190$ га тенг.

Кўп омилли эконометрик модель тузиш бўйича олиб борилган ҳисоб-китоблардан шуни кўриш мумкинки, озод ҳад ва кўп омилли эконометрик моделга киритилган барча омиллар бўйича t -мезоннинг ҳисобланган қийматлари $\alpha = 0,05$ аниқликда жадвал қийматидан катта эканлигини кўриш мумкин (4-жадвал). Бу эса барча омилларни ишончли эканлигини билдиради ва кўп омилли эконометрик моделда иштирок этишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (2) бўйича натижавий омил ($\ln EXP$) қолдиқларида автокорреляция мавжудлигини текшириш учун Дарбин-Уотсон (DW) мезонидан фойдаланамиз.


Ҳисобланган DW қиймати жадвалдаги DW_L ва DW_U билан таққосланади. Агар $DW_{\text{ҳисоб}} < DW_L$ дан кичик бўлса, натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд дейилади. $DW_{\text{ҳисоб}} > DW_U$ дан катта бўлса, натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас дейилади. Дарбин-Уотсон мезонининг пастки чегараси қиймати $DW_L = 1,0$ га тенг ва юқори чегараси қиймати $DW_U = 1,68$ га тенг. $DW_{\text{ҳисоб}} = 1.757025$ га тенг. Демак, $DW_{\text{ҳисоб}} > DW_U$ бўлгани учун натижавий омил (Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ($\ln EXP$)) қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас экан.

Натижавий омил қолдиқларида автокорреляциянинг мавжуд эмаслиги ҳам юқорида келтирилган (2) кўп омилли эконометрик моделдан прогнозда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

(2) кўп омилли эконометрик моделнинг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) қуйидаги 4-расмда келтирилган.

4-расмдан кўриш мумкинки (2) кўп омилли эконометрик модель бўйича Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг ҳисобланган қийматлар графиги унинг ҳақиқий қийматлари графиги билан жуда яқин жойлашган, улар ўртасидаги фарқлар ҳам аниқлик катта эмас. Бу эса (2) кўп омилли эконометрик моделдан Ўзбекистон

Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкинлигини яна бир исботи ҳисобланади.




4-расм. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) графиги

Манба: Муаллиф ишланмаси

Ҳисобланган (2) кўп омилли эконометрик моделдан келгуси даврларга натижавий кўрсаткични прогнозлашда MAPE (Mean absolute percent error – фоизлардаги ўртача абсолют хатолик) коэффиценти ҳисобланади. Агар ҳисобланган MAPE коэффиценти қиймати 15,0 фоиздан кичик бўлса, моделдан натижавий омилни прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади, акс ҳолда фойдаланиб бўлмайди. Кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми бўйича MAPE коэффицентининг қиймати 1,6501 фоизни ташкил этмоқда (5-расм).

Бу эса 15,0 фоиздан кичик (MAPE=1,6501), яъни у 1,6501 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам (2) кўп омилли эконометрик моделдан Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини прогнозлашда фойдаланиш мумкин.



5-расм. Ҳисобланган моделдан прогнозда фойдаланиш кўрсаткичлари

Манба: Муаллиф ишланмаси

Ушбу ҳолатлардан фойдаланиб (2) кўп омилли эконометрик модель ёрдамида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини ушбу ҳолатлардан фойдаланиб (2) кўп омилли

эконометрик модель ёрдамида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини келгуси даврларга прогноз ҳисобларини амалга оширамиз.

Бунинг учун аввало ҳар бир таъсир этувчи омил бўйича тренд модель тузамиз. Тренд модель – бу таъсир этувчи омилнинг вақтга боғлиқ функциясидир ҳамда у умумий ҳолда қуйидаги кўринишга эга:

$$X_i = \beta_0 + \beta_1 \cdot t + \varepsilon \quad (3)$$

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми (*lnGDP*) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$\ln GDP = 2,2956 + 0,1084 \cdot t \quad (4)$$

$$R^2 = 0,8255, F_{\text{хисоб}} = 85,1795, t_{\text{хисоб}} = 9,2293$$

Экспорт квоталари (*lnEXQUO*) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$\ln EXQUO = 3,3235 - 0,0332 \cdot t \quad (5)$$

$$R^2 = 0,7472, F_{\text{хисоб}} = 16,9855, t_{\text{хисоб}} = -2,6430$$

Валюта курси (*ln EXRATE*) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$\ln EXRATE = 6,1759 + 0,1341 \cdot t \quad (6)$$

$$R^2 = 0,9077, F_{\text{хисоб}} = 176,9999, t_{\text{хисоб}} = 13,3041$$

Таъсир этувчи омиллар ва вақт омили ўртасида тузилган тренд моделлар таҳлили шуни кўрсатадики (4) – (6) тренд моделлардаги барча ҳисобланган коэффицентларнинг статистик аҳамиятлилиги, параметрларининг ишончилиги аниқланди. Демак, (4) – (6) тренд моделларини ҳисоблаймиз ва уларнинг ҳисобланган қийматларини (2) кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, аввало таъсир этувчи омилларнинг прогноз қийматларини, кейин эса натижавий омилни прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширамиз. Натижада Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар экспорти ҳажмининг (2) кўп омилли эконометрик моделга киритилган ўзгарувчиларининг прогноз давридаги қийматларига эга бўламиз (5-жадвал ва 6-7 расмлар).


5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ва унга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг прогноз ҳисоб-китоблари қийматлари

| Йиллар | Товар ва хизматлар экспорти, млрд. АҚШ долл. | ЯИМ, млрд. АҚШ долл. | Экспорт квотаси, | Валюта курси, 1 АҚШ \$/сўм |
|--------|--|----------------------|------------------|----------------------------|
| t | Y | X1 | X2 | X3 |
| 2001 | 2.325 | 9.3 | 24.9 | 430.01 |
| 2002 | 2.339 | 9.9 | 23.7 | 774.37 |
| 2003 | 2.669 | 10.2 | 26.3 | 971.57 |
| 2004 | 3.629 | 12.1 | 30.0 | 1020.16 |
| 2005 | 3.944 | 14.4 | 27.4 | 1114.04 |
| 2006 | 5.536 | 17.4 | 31.9 | 1219.33 |
| 2007 | 6.622 | 22.4 | 29.6 | 1263.67 |
| 2008 | 8.680 | 29.7 | 29.3 | 1321.14 |

| Йиллар | Товар ва хизматлар экспорти, млрд. АҚШ долл. | ЯИМ, млрд. АҚШ долл. | Экспорт квотаси, | Валюта курси, 1 АҚШ \$/сўм |
|-------------|--|-------------------------|------------------|-------------------------------|
| 2009 | 5.821 | 33.8 | 17.2 | 1467.48 |
| 2010 | 6.714 | 39.5 | 17.0 | 1587.75 |
| 2011 | 6.948 | 46.2 | 15.1 | 1716.14 |
| 2012 | 6.598 | 52.1 | 12.7 | 1890.48 |
| 2013 | 8.634 | 57.7 | 15.0 | 2097.19 |
| 2014 | 7.205 | 63.1 | 11.4 | 2314.85 |
| 2015 | 6.450 | 66.9 | 9.6 | 2573.47 |
| 2016 | 7.627 | 67.4 | 11.3 | 2968.90 |
| 2017 | 8.719 | 49.7 | 17.6 | 5140.29 |
| 2018 | 9.669 | 49.7 | 19.5 | 8069.04 |
| 2019 | 10.211 | 51.6 | 20.5 | 8851.36 |
| 2020 | 10.452 | 52.4 | 26.7 | 9751.84 |
| 2021 | 11.961 | 53.4 | 25.2 | 10690.70 |
| 2022 | 12.831 | 58.7 | 24.6 | 11173.05 |
| 2023 | 13.486 | 63.9 | 23.8 | 12032.78 |
| 2024 | 14.186 | 69.5 | 23.0 | 12702.06 |
| 2025 | 14.924 | 75.6 | 22.3 | 13408.57 |

Манба: Муаллиф ишланмаси



6-расм. Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2025 йиллар учун прогноз қийматлари (млрд. АҚШ долл.)


Манба: Муаллиф ишланмаси

Юқорида келтирилган республикамиз кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг 2000-2020 йиллардаги динамикасида кўриш мумкинки, мазкур даврда мазкур кўрсаткичнинг йиллик ўртача ўсиши 6.54 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Ушбу даврда 2001-2015 йиллар оралиғида кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспортининг энг юқори ўсиши 2008 ва 2013 йилларга тўғри келган (мос равишда 8.68 ва 8.634 млрд. АҚШ доллари). 2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига

республикамизда товарлар ва хизматларнинг экспорт ҳажми ортиб келган. Ушбу инқироз таъсири кейинги йилларда ҳам республикамиз кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспортининг жисмоний ҳажмига инерцион таъсир этиб келган. 2009-2012 йиллар оралиғида товар ва хизматларнинг экспорти 20 йил орасида ўзининг минимал қийматларига эга бўлган (мос равишда 5.821, 6.714, 6.948 ва 6.598 млрд. АҚШ доллари). Ушбу пасайиш 2014 ва 2015 йилларда ҳам кузатилган.

Аммо, 2017 йил октябрь ойида мамлакатмизда валюта бозорини эркинлаштириш натижасида кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспортининг жисмоний ҳажмини оширишга эришилди. 2017-2020 йиллар оралиғида республикамиз кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспортининг ҳажми йилига ўртача 0.578 млрд. АҚШ долларига ортиб борди. Республикамиз ялпи ички маҳсулоти таркибида экспорт ҳажмининг ортиши кузатилди ва ижобий сальдога эришилди. Олиб борилган ҳисоб-китоблар бўйича прогноз даврида, яъни 2022-2025 йилларда республикамиз кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми йилига ўртача 0.642 млрд. АҚШ долларига ўсиши кузатилмоқда. Кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспортининг кескин даражада ўсиб кетмаслигига бир қатор омиллар таъсир этади. Лекин буларнинг орасида пандемия катта таъсир кўрсатмоқда. Пандемиянинг инерцион таъсир катта эҳтимол билан 2022-2023 йилларда ҳам сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.


Республикамизда ЯИМ ҳажмининг абсолют ўсиши 2001-2016 йиллар оралиғида ўртача 3.873 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. ЯИМ 2007-2015 йилларда ўсиш суръатлари барқарор бўлиб, йилига 8-9 фоизга яқин ўсишга эришилган. Аммо, 2017 йилда мамлакатмизда валюта бозорини эркинлаштириш, ЯИМ ни ҳисоблашнинг янги методологияси қўлланилиши натижасида ЯИМ нинг ҳажми 2016 йилда 67.4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2017 йилда 49.7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бундан кейинги даврларда (2017-2020 й.й.) бу кўрсаткич йилига 1.35 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.



7-расм. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2025 йиллар учун прогноз қийматлари (млрд. АҚШ долл.)

Манба: Муаллиф ишланмаси

Прогноз даврида, яъни 2022-2025 йилларда республикамиз ЯИМ йилига ўртача 4.6 млрд. АҚШ долларига ўсиши кузатилмоқда. Ва агар прогнознинг биринчи йили - 2022 йилда 57,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этса, 2025 йилга келиб мазкур кўрсаткич 71.9 млрд. АҚШ долларига етиши кузатилмоқда.




8-расм. Ўзбекистон Республикасида экспорт квоталарининг 2001-2021 йиллардаги динамикаси ва 2022-2025 йиллар учун ҳисобланган прогноз қийматлари

Манба: Муаллиф ишланмаси

8-расмдаги прогноз даври учун ҳисобланган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2023 йилдан республикада ЯИМ экспоненциал ўсиш суръатларига эга бўлар экан. Ўзбекистон Республикасида экспорт квоталарининг 2001-2020 йиллардаги динамикаси барқарор эмас эканлигини кўриш мумкин. Агар 2001-2008 йилларда экспорт квоталарининг ортиб бориши кузатилган бўлса, 2009-2016 йилларда ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияларини кўриш мумкин. Бу жараёнларга ҳам 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсир этганлигини кўриш мумкин. Мазкур даврда мамлакатимизнинг ЯИМ барқарор ўқишига қарамасдан, экспорт квоталарининг ҳажми кескин камайтирилган.

Лекин, 2017 йилга келиб экспорт соҳасида Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маҳсулотларини экспорт қилишда бир қатор имтиёзлар тақдим этилиш, валюта бозорининг либераллаштирилиши натижасида республикада экспорт квоталари ҳажми ортиб бормоқда.



9-расм. Ўзбекистон Республикасида валюта курсининг 2001-2021 йиллардаги тенденцияси ва 2022-2025 йиллар учун ҳисобланган прогноз кўрсаткичлари (сўм/АҚШ долл.)

Манба: Муаллиф ишланмаси

Бу айниқса, 2020 йил пандемия шароитида яққол намоён бўлди. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 1.3 баробарга ошди (9-расм).

Лекин прогноз даврида экспорт квоталарининг ҳажми қисқариб бораётганлигини кўриш мумкин. Ҳукумат томонидан экспортёр корхоналарни қўллаб қувватлаши, бир томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлайди ҳамда мамлакатимизга валюта оқимларининг кириб келишига тўртки бўлади.

Хулоса

Республикамызда экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда валюта курсларининг жорий ҳолати ва унинг узоқ муддатли даврда волатиллиги муҳим аҳамиятга эга. Агар 2001-2016 йиллар орасида республикамызда валюта курсларининг тенденциясини кўрсак, мазкур даврда ушбу кўрсаткич барқарор секин ўсиш тенденциясига эга. Аммо, 2017 йилги валюта бозорини эркинлаштириш натижасида валюта курслари ўсишининг тезлашаётганини кўриш мумкин. Агар 2017 йилда 1 АҚШ доллари 5140,3 ўзбек сўми бўладиган бўлса, 2018 йил якунига келиб 8069,0 етди. Ўсиш суръати 1.57 баробарга ошди. Бу албатта товарлар ва хизматлар экспортига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатди.

Прогноз даврида (2022-2025 й.й.) алмашув курсининг ўсиш суръатларини кўриш мумкин. Агар 2022 йилда 1 АҚШ долларининг қиймати ўртача 11173,1 сўм бўлса, 2025 йилга келиб 13408.6 сўмни ташкил этар экан.

Олиб борилган эконометрик тадқиқотлар прогноз даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматлар экспорт ҳажмининг ортиб боришини кўрсатмоқда. Ушбу жараёнларни қўллаб-қувватлаш, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини янада оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалда қўлланилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Internal market, Industry, Entrepreneurship and SMEs definition. https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition_en
2. Плетнёв Д.А., Николаева Е.В., Кампа А. Сравнительный анализ критериев отнесения предприятий к малому и среднему бизнесу в разных странах. // Стратегии бизнеса. 2015. Т. 9. № 17;
3. Вершинина А.П. Малый бизнес: критерий отнесения и классификация. // Вестник Вольнского университета им. В.Н. Татищева, 2014;
4. Зилберштейн О.Б., Шкляр Т.Л., Неветруев К.В. Отраслевая структура среднего бизнеса России // Интернет – журнал «Науковедение». Том 9, №2 (2017);
5. Титов. Б. Сектор малого и среднего предпринимательства: Россия и Мир. Институт экономики роста им. Столыпина П.А. июль, 2018. <http://stolypin.institute/novosti/sector-malogo-i-srednego-predprinimatelstva - rossiya-i-mir>.
6. Савинов Ю. А., Мигунов А. Ю. Государственная финансовая поддержка экспорта в России // Российский внешнеэкономический рынок. – 2008. – № 5
7. Русакова Л.А. Оценка экспортного потенциала предприятия. – М.: ЭКСМО, 2014. – 13 с
8. Ю.М.Токарев, П.В.Манин. Проблемы оценки экспортного потенциала предприятия // Научный клуб. URL: <http://www.sophus.at.ru>
9. Гафуров У.В. (2022). Оилавий тадбиркорлик ва унинг таркиб топиш тамойиллари. *Экономика и образование*, 23 (Maxsus_son), 392–399. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/685>

10. Internal Market, Industry, Entrepreneurship and SMEs (EU). https://single-market-economy.ec.europa.eu/smes/sme-definition_en
11. Nallari, R., et al. (2010). A Primer on Policies for Jobs. The World Bank.;
12. Ademola, O.J. (2014). Working capital management and profitability of selected quoted food and beverages manufacturing firms in Nigeria. *European Journal of Accounting Auditing and Finance Research*, 2(3). 10-21.;
13. Mickiewicz, T., Nyakudya, F.W., Theodorakopoulos, N. et al. Resource endowment and opportunity cost effects along the stages of entrepreneurship. *Small Bus Econ* 48, 953–976 (2017).;
14. Franz Kellermanns, Jorge Walter, T. Russell Crook, Benedict Kemmerer & Vadake Narayanan (2016) The Resource-Based View in Entrepreneurship: A Content-Analytical Comparison of Researchers' and Entrepreneurs' Views, *Journal of Small Business Management*, 54:1, 26-48.;
15. Dobes, V., Fresner, J., Krenn, C., Rinaldi, C., Cortesi, S., et al. Analysis and exploitation of resource efficiency potentials in industrial small and medium-sized enterprises – Experiences with the EDIT Value Tool in Central Europe. *Journal of Cleaner Production*. Volume 159, 15 August 2017, Pages 290-300;
16. Rawhouser, H., Villanueva, J., Newbert, S.L. Strategies and Tools for Entrepreneurial Resource Access: A Cross-disciplinary Review and Typology. *International Journal of Management Reviews*. Apr 21, 2016;
17. Boso, N., Danso, C., Leonidou, A., Uddin, M. Does financial resource slack drive sustainability expenditure in developing economy small and medium-sized enterprises? *Journal of Business Research*. Volume 80, November 2017, Pages 247- 256;
18. Гилемханова Л.Ф., Запольских Ю.А. Предпринимательский потенциал. // *Экономические науки*. - №46-2. 19.05.2016 - <https://novainfo.ru/article/6043>;
19. Гусейнова Т.К. Инновационный потенциал – важнейшая составляющая экономического потенциала // В сборнике «Актуальные проблемы науки, экономики и образования XXI века». – 2012. – С.85-92. – URL: <http://bgscience.ru/lib/10859>;
20. Требова С.В., Плешаков П.С. Предпринимательские способности населения: понятие и измерение // *Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал)*, № 9 (17), 2012. –www.sisp.nkras.ru. – С.5.;
21. Артемова О.В., Логачева Н.М., Нестеренко И.Ю. Ресурсы для развития малого и среднего предпринимательства региона. // *Социум и власть*, 2018. № 2 (70). С.48-55.;
22. Багинова В.М., Беломестнов В.Г. Потенциал развития малого промышленного предпринимательства в регионе. // *Известия Иркутской государственной экономической академии*, 2015. Т. 25, № 6. – С. 999-1003.;
23. Саал Т., Савенкова Т. Экономический и инновационный потенциал малого бизнеса. // *Финансовая жизнь*. – М.: Академия менеджмента и бизнес-администрирования, 2014. – С. 22-31.;
24. Дзобелова В.Б., Олисаева А.В. Экономический потенциал малого предпринимательства Северо-Кавказского федерального округа // *Фундаментальные исследования*, 2015. № 2-26. – С. 5864-5868;
25. Цёхла С.Ю., Полищук Е.А. Механизм формирования и развития потенциала малого предпринимательства в сфере создания новых рабочих мест на региональном рынке труда. // *Российское предпринимательство*, 2017. Том 18. № 17. – С. 2587- 2598;